

Ўзбекистон Миллий Университети

Фалсафа факултети

Психология кафедраси

РЕФЕРАТ

Мавзу: Онгсизлик муаммолари

Топширди: Раджабов С

Қабул қилди: доц. Тўлаганова Г

Тошкент 2013

Режа

1. Онгсизлик ҳақида
2. З.Фрейд ва унинг онгсизлик борасидаги қарашлари
3. З.Фрейд издошларининг онгсизликка янгича ёндашувлари

Онгсизлик ҳақида

Онг иштирокисиз содир бўладиган руҳий жараён ва ҳолатлар онгсизлик дейилади. Онгсизлик инсон онгида ифодаланмаган, унинг ақл доирасидан ташқарида ётувчи, инсон онги томонидан назоратга бўйсунмаган психик жараён, ҳолат ва ҳаракатлар йиғиндиси.

Онгсизлик кўпгина бадан ҳаракатида, хотира, ҳаёлда намоён бўлади. Реал мавжуд, лекин сезилмайдиган кўзғатгичлар вужудга келтирадиган жавоб таъсиротларида, асли онгли пайдо бўлиб, такрорланиши натижасида автоматлашиб кетган ҳаракатларда ва бошқа ҳолатларда рўй беради.

Масалан: одам ўз ҳаёлларига чўмган ҳолда уйига қайтади ва ҳар ҳолда йўлдан адашмасдан келади. Агар у бирор хавфни сезиб қолса, бу хавфнинг сабаби ва қандайлигини ҳали англамасдан туриб ҳам, ҳимоя ҳаракатини қилади.

Бемор психикасида вужудга келадиган алаҳлаш, галлюцинация каби патологик ҳодисалар, ухлаш, гипноз вақтида, лунатизм ва шу кабилар чоғида юз берадиган психик фаолият ҳам онгсизлик ҳолатига киради.

З.Фрейд онгсизликни соф иррационалистик тарзда талқин этади. Унинг фикрича онг билан онгсизлик ўртасида муросасиз қарама - қаршилик бор. Инсоннинг бутун ҳатти - ҳаракати ана шу қарама - қаршилик билан белгиланади.

Онгсизликни инсон англашга ва пайқашга журъат этолмайди, у инсондаги азалий майллар масканидир. Онгсизлик жараёнига инстинкт, кизиқиш, интуиция, аффект ҳолати, туш кўриш, ижодий қониқиш, янги ғоядан “яшнаш” ва бошқалар киради. Онгсизлик бу руҳий ҳаётнинг реаллигидир.

Физиологик нуқтаи назардан, онгсиз жараёнлар ўзига хос кўриқловчи вазифани бажаради, чунки улар миёни керак бўлган жойда доимий диққат этибордан бўшатади.

Психик ҳолатларнинг ҳаммаси ҳам онг назоратида бўлавермайди. Улар дастлаб онг ёрдамида юзага келиб, кейинчалик узоқ вақт машқ ва кўп марта қайтариш натижасида онгсизлик табиатини эгаллайди ва онг назоратидан чиқиб олади.

Онгсизлик онгга яқинлик даражаси билан фаркланувчи ўз таркибига эга. Онгсизликнинг психик ҳодисани ўз ичига олган, онг даражасидан автоматизм даражасига ўтиш билан боғлиқ бўлган, шаклланиб етмаган онг каби алоҳида даражалари мавжуддир.

Инсон хусусида онгсизликнинг ўрни, аҳамияти ва уни англаш билан муносабатини ўрганишда австриялик психиатр ва психолог З.Фрейд (1856-1939) томонидан кўп ишлар қилинди. У жуда катта тажриба асосида тўпланган ашёлардан келиб чиқиб, онгсизликнинг (айниқса, этиологияда қатор психик касалликларда) муҳим ва ҳал этувчи аҳамияти борлиги ҳақида ҳулосага келди.

Инсон ҳаётида ҳар хил омиллар таъсирида йиғилган у ёки бу “комплекслар” (М: “Эдип комплекси”, “Электра комплекси”), онгдан онгсизликка суриб чиқорилади ва кейинчалик кўпгина рухий касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Фрейд психикага ўз қарашини шакллантирди, онг (“Мен”) ва онгсизлик (“у”) муносабатида айтиқса, сўнггисининг аҳамиятини оширади.

Швецариялик психолог К.Г.Юнг (1875-1961) шахс онгсизлигидан ташқари, чуқурроқ қўллаш - жамоавий онгсизлик таркибидаги архетиплар кишиларнинг жамоавий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, инсон психикасида тарихан мустаҳкамлангандир ва у наслдан – наслга узатилиб борилади, деган фикрни илгари суради.

1902-йилда “Психологик чоршанбалар” жамияти ташкил бўлиб, унга Фрейднинг энг яқин сафдошлари кирди.

1908-йилда бу жамият вена психоаналитиклар жамияти, деб атала бошланди. Жамият аъзолари бўлган Эрнест Жонс, Шандор Ференци, Карл Густав Юнг, Альфред Адлер, Ганс Сакс, Отто Ранк каби Фейд шогирдлари кейинчалик ўз ҳолларича йўналишлар танлаб, онгсизлик борасида ўз назарияларини яратишга ҳаракат қилдилар. Бу ишни Адлер ва Юнгдан бошқа ҳеч қайсилари сезиларли давом эттиролмадилар. Фақат шу икковлоннинг йўналиши Фрейд қарашдарига қарши тура олар эди. Улар Фрейд тили билан айтганда, ўзини-ўзи сақлаш инстинкти ўз аҳамиятини йўқотиб, инсон фаолиятида 1-ўринга либидо – кўпайиш инстинкти чиқиши ҳақида фикрни қўллаб қувватлашдан бош тортишди.

Ўзининг 45 йиллик самарали илмий фаолияти давомида З.Фрейд онгсизлик борасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришди.

3.Фрейд ва унинг онгсизлик борасидаги қарашлари



Фрейд Зигмунд (1856.05.06 – 1939.09.23) – австриялик психолог, психиатр ва невропатолог, психоанализ асосчиси. 1938 – йилдан Буюк Британияда яшаган. 20-йилларда ўзининг психоанализ концепциясининг принципларини, шахс структурасининг 3 асоси: “Мен” (“Я”, “Эго”), “У” (“Оно”, “Ид”) ва “Супер-Мен” (“Сверх-Я”, “Супер-Эго”) яратди.

Фрейд инсон психикасида даставвал нисбатан автаном, лекин доимий ўзаро фаолиятда бўлувчи структура, онгсиз “У” (“Оно”, “Ид”) ва онгли “Мен” (“Я”, “Эго”) ни ажратди, кейинчалик уларга “Супер-Мен” (Сверх-Я) ни ёки Супер – Эгони қўшди. “Супер-Мен” “Мен” га жойлашиб олади ва махсус таҳлилсиз “Мен” уни англамайди.

Юқорида айтилганлардан шундай табиий хулоса қилиш мумкинки, олам “У” ва “Мен”нинг “Супер-Мен” билан зиддияти ҳисобига ривожланади. Бироқ у ҳолда шундай нарсани таъкидлашга тўғри келади, дунёда бирорта ҳам соғлом одам йўқ, чунки ҳар бир индивиднинг ўз зиддиятлари бор ва маданиятнинг бундан кейинги тараққиёти ижтимоий портлашга олиб келади, чунки ички мазмун ёки “У” ташки қобикни бузиб ташлайди. Бу тўғри, лекин гап шундаки, инсонда ҳар доим ички психик омил енгиллашиб, бўшашиб, таранглиги пасайиб туради.


Ички психик энергияни бундай сарфлаш икки хил йўл билан амалга ошади. Биринчиси, нормал жинсий мулоқот орқали, бундай мулоқат инстинктларнинг юзага чиқишига имкон беради. Этиборга олиш керакки, жамият жинсий мулоқот нормасини чеклаб қўйган ва бундай тор йўлак орқали психосексуал энергиянинг озгина миқдори сарф бўлиши мумкин. Биринчи омилни тўлдирадиган иккинчи омил куйидагидардан иборат: Диалектиканинг иккинчи қонунига кўра кондирилмаган сексуал энергия бошқа сифат кўринишига ўтади, хусусан ижтимоий энергияга айланади, яъни одам ижтимоий фаол бўлиб қолади.

Агар ички психик энергия сарф бўлишининг ҳар иккала канали очик бўлса, индивид нормал ҳолатда бўлади.

Агар биринчи канал ишламаса, бутун энергия ижтимоий соҳага ўтади, сублимация қилинади. Агар иккинчи канал ишламаса, унда онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилган инстинктлар психик портлаш ёки неврозларга олиб келади. Бундай ҳолат ҳар хил шаклда, фондам касалликлардан психик бузилишларгача, яъни таъқиб қилиш манияси, параноя ва бошқаларда намоён бўлиши мумкин.

Кўп ҳолатларда психикани назорат қилишнинг йўқолиши ўнглаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Психоанализ шундай ҳолатларни олдини олишга ёрдам беради. Табиийки, биз психика фаолиятининг энг содда схемасини тасвирладик. Инсон организими, хусусан унинг психикаси автоном, ўзини ўзи бошқарувчи тизимдир. Шунинг учун ҳам психика бузилишининг бош омили онгсизлик ва онг ўртасидаги зиддият эмас, балки “Супер-Мен” нинг таъсири ҳисобланади.

“У” бу “Ид” онг ости ёки онгсизлик соҳаси, инстинктив майллар тўплами. “Мен” бу “Эго”, шахс , онг. “Супер-Мен” “Супер Эго”, ижтимоий ахлоқ, ҳатти-ҳаракат нормалари, ижтимоий онг, ҳулқ. “У” онгсизлик соҳасидан иборат, унинг ҳукмрон принципи “Лаззатланиш” принципи бўлиб, сиёсатда бу анархия кўринишида майдонга чиқади.



“Супер-Мен” да норма ва қадриятлар локализация қилинган. Булар тарбия ва ота-она эталон “Матрицаси, ота-она томонидан болага сингдириладиган ҳуқ-атвор шакллари” натижасидир.

“Мен “ “Супер-Мен” ва ”У” томонидан эзиб, сиқиб қўйилган. ”У” ва “Супер-Мен” ўртасида онгсиз алоқалар мавжуд. Расмдаги “Мен” “У” ва “Супер-Мен” га нисбатан анчагина мураккаб ҳолатда, у ҳар иккала томондан эзилади. “У” ўз жинсий ва агрессив импулсларини қондириш учун “Мен” га тазйиқ ўтказди. Лекин уларни қондириш ўсмирга ота-она томонидан катта ташвиш келтиради.

Иккинчи томондан “Супер-Мен” ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва қонунларини бажаришини талаб қилади. Агар айтилганларга долзарб воқеъликнинг “Мен” га таъсир қилувчи омиллари ҳам қўшилса, бундай шахс “Мен” ининг аҳволи анчагина фожиали бўлиб кўринади.

Агар “Мен” ни болалик ва невротик бузилишлардан холи, аъло даражада тараккий этган, етук “Мен” сифатида тассавур қилинса, ҳолат ўзгаради.

Бундай “Мен” онг эгаси бўлиб, “У” дан эсадиган инстинктлар шамоли ва “Супер-Мен” да жойлашган таъқиқ ва қоидалар ўртасида восита ҳисобланади. Бундан ташқари “Мен” назорат, қайта назорат ва қарор қабул қилиш органи ҳисобланади, у “У” билан “Супер-Мен” дан чиқадиган талабларни тергов қилади.


”Мен” у ёки бу қарорни текширади, натижада ё маъқуллайди ёки рад қилади. Қарор онгли равишда қабул қилинади. Шу билан бирга инстинктив истак ёки “Супер-Мен”нинг буйруғини бажариш кечроқ муддатга сурилиши мумкин.

Компромисс (муроса) қисман воз кечиши ёки ижтимоий жиҳатдан мумкин шаклда қисман қондириш ёки “сублимация – энергиянинг бир турининг, масалан, сексуал энергиянинг бошқа турига, масалан, ижтимоий фаолликка йўналтирилиши” кўринишида бўлиши мумкин. Бундай қулай вазиятда “У” нинг барча кучлари “Мен” нинг ихтиёрида бўлади.

Шунинг учун “Мен” ўзини ҳукми ўтадиган, бойитилган деб ҳис қилади. Чунки, ўзи акс эттираётган эротик, ҳиссий ва эҳтиросли майллар унинг ўзига боғланган. “Супер-Мен” га нисбатан ҳам “Мен” автоном ҳолатда, чунки “Супер-Мен” томонидан илгари сурилаётган таъқиқловчи вазиятларга амал қилиш керак ёки керак эмаслигини унинг ўзи онгли равишда ҳал қилади.

“Мен” у ёки бу бидъатнинг мақсадга мувофиқлигини танқидий қайта текширади, бидъат онгли фикр – эътиқодга айланади.

“Идеал” ҳам “Мен” билан муносиб мунособатларда бўлади. “Мен” “Идеал” ни амалга оширишнинг реал имкониятларини баҳолайди ва унга етишиш йўллари танлайди.



Бошқача айтганда, у қатъий ҳаракат билан идеалга яқинлашиш керакми ёки идеални реал ҳулқа тенглаштириш керакми, - деган масалани мустақил ҳал қилади. Етук шахснинг “Мен”, “У”, “Супер-Мен” ва “Идеал” и бир-биридан ажратилган бўлиб, болаларга ёки невротикларга ўхшаб оғир зиддиятларга тортилмаган. “Мен” шахс стержени сифатида ҳаёт жараёнида “У” ва “Супер-Мен” соҳаларини тўла ўзлаштириб олгунча кўплаб ўзгаришларга учрайди.

Фрейд тили билан айтганда, шундан сўнггина “У” бўлган жойда “Мен” бўлади. “Супер-Мен” “Мен” га хўжайинлик қилмай кўяди, унинг қаторидан жой олади. Шунинг учун ҳам, психоанализда “Мен” шахс тушунчасига тенгдир. Фрейд “Мен” га шахс руҳий жараёнларининг боғловчи ташкилоти деб қараган.

3.Фрейд издошларининг онгсизликка янгича ёндашувлари



Адлер Альфред (7 феврал 1870, Рудольфсхайм, Вена, Австрия - 28 май 1937, Абердин, Буюк Британия) - австриялик психолог ва психиатр, неофрейдизмнинг дастлабки вакиллари.

Индивидуал психология структурасининг ва шахс назариясининг индивидуал концепцияси асосчиси.

1901-йилда у Фрейднинг “Тушларга шарҳлар” китобини ўқиб қолиб, унга миннатдорлик мактубини ёзди. Ва бўлажак машҳур психолог 1902-йилда Фрейд даврасига келиб қўшилди.

Фрейддан кейин онгсизлик ва шахс назариясининг психодинамик йўналишида бир-бири билан унчалик боғлиқ бўлмаган назария пайдо бўлиб, уларнинг муаллифлари ё Фрейдча ёндашувни кенгайтиришга ёки уни қайта кўриб чиқишга ҳаракат қилишди.

Фрейд унинг қарашларини мақуллайдиги кўплаб интеллектуалларни ўзида жалб қилган ва руҳлантирган эди.

Улардан икkitаси – энг машҳур назариётчилар Альфред Адлер ва карл Густав юнг Фрейд билан алоқаларини узиб, ўзларининг ноёб шахсий назарий тизимларини яратишди.

Уларнинг ҳар иккаласи ҳам даставвал психоаналитик ҳаракат иштирокчилари сифатида Фрейд назариясининг қўлами ва янгилигини қизғин қўллаб – қувватлашган. Бироқ вақт ўтиши билан улар Фрейднинг сексуаллик ва агрессияга инсон ҳаётининг марказий мазмуни

сифатида ҳаддан ташқари катта аҳамият бераётганлиги билан келиша олмасликларини билдиришди.

Фрейд билан психоанализмнинг бошқа назариётчилари ўртасида ҳам кўплаб фикрларда келишмовчиликлар мавжуд эди ва улар ҳам ўзаро зиддиятли мактаблар яратишда давом этишди.

Фақат Адлер ва Юнггина инсон хулқининг асосий қирраларини қамраб олган, кўлами жиҳатидан Фрейд билан беллаша оладиган мустақил назария яратдилар.

Адлер қарашлари тизимининг марказий нуқтасини индивидуум (шахс) нинг социум (жамият) дан ажралмаслиги ғояси ташкил қилади. Ижтимоий когнитив йўналиш вакиллари сингари Адлер шахснинг детерминантларига эътибор беради. Веналик психиатр Адлер томонидан муҳим деб ҳисобланган одамларнинг:

- ўз тақдирларини ўзлари яратишлари;
- янада қониқарлироқ ҳаёт кечириш учун ҳайвоний майлларини ва назорат қилиб бўлмайдиган муҳитни бартараф қилишлари;
- ўзини ўзи англаш орқали ўзларини ва атроф муҳитни такомиллаштиришлари каби қобилиятларида жамланган.

Адлер Фрейдни инстинктив сексуал майлларга ҳаддан ташқари катта аҳамият берганлиги учун танқид қилган.



Карл Густав Юнг Кессвил

шаҳарчасида, руҳоний оиласида туғилган. Базеля ва Цюрих университетларини тугатиб, 1900-йилда Цюрих университети қошидаги руҳий хасталар клиникасида иш бошлади. Ишлаётган вақтида у З.Фрейд ишлари билан, кейинроқ авторнинг ўзи билан танишди. 1907-йилдан улар жуда яқин шериклар сифатида бирга ишлашди. Бу 5 йил давом этди.

Швецариялик психолог К.Г.Юнг (1875-1961) шахс онгсизлигидан ташқари, чуқурроқ кўлам - жамоавий онгсизлик таркибидаги архетиплар кишиларнинг жамоавий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, инсон психикасида тарихан мустаҳкамлангандир ва у наслдан – наслга узатилиб борилади, деган фикрни илгари суради.

1912-йилда Юнг “Онгсизлик психологияси” га аталган мақоласини нашрдан чиқорди. Бу мақола Фрейднинг кўплаб ғояларини инкор этарди. 2 йилдан сўнг Юнг Халқаро Психоаналитиклар Жамиятининг президенти томонидан ишдан бўшатишга, кетишга мажбур бўлди.

Юнг шахс назариётчилари орасида биринчи бўлиб шахснинг психик саломатлигига эришиш учун унинг турли йўналишдаги интилишлари ўзаро муносибликдаги бир бутунликда жамланиши керак, деган фикрни исбот қилди. Бу ғоя Юнг назариясида “шахсий ўсиш” атамаси билан номланади.

Адлер сингари Юнг ҳам Фрейдни инстинктив сексуал майлларга ҳаддан ташқари катта аҳамият берганлиги учун танқид қилган. Юнг томонидан кўтарилган марказий мавзу одамларга айна вақтда ҳам уларнинг келажакка интилишлари, ҳам ҳаёт тажрибалари таъсир кўрсатади, деган ғояни ўзида акс эттиради.

1921-йилда Юнг “Шахс психологик типларини” аниқлади. Шу билан бутун инсониятни интроверт ва экстравертларга ажратди.

Юнг 1933-йил Цюрих федерал политехника университетининг профессори бўлди. 1943-йилда Базель шахрига қайтиб, тиббиёт психологияси билан шуғуллана бошлади.

Хулоса. Шу ўринда Платон фойдаланган чавандоз ва аргумок мисолини келтириш ўринли. Тасаввур қилиш мумкинки, отни минишда тажрибаси йўқ бола отга бўйсунди, моҳир чавандоз эса отнинг кучидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланади. Бу мисол иккита муқобил хулосани: чавандоз бошқарилса, унинг кучи “Мен”, от кучининг бир қисмига айланади. “Мен” мағлуб бўлади, ўзини ожиз, кучсиз, “У” нинг ихтиёрига бутунлай тушгандек бўлади.